

## БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Тўраев Шавкат Шухратович**

иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ сиёсатининг 2023 йилдаги асосий устувор йўналишлари таҳлили келтирилган бўлиб, унда жаҳон бозоридаги мураккаб иқтисодий жараёнлар, дунёда геосиёсий вазиятнинг таранглашуви ва уни Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, Ўзбекистон бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** бюджет, солиқ, солиқ сиёсати, иқтисодий ўсиш, бюджет даромадлари, бюджет харажатлари, дефицит.

### КИРИШ

Мамлакатимиз раҳбари 2022 йил 20 декабр куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақида гапириб, “Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган кескин жараёнлардан барчангиз хабардорсиз. Жаҳонда мураккаб геосиёсий вазият, энергия ресурслари танқислиги кучайиб бормоқда, озиқ-овқатга эҳтиёж ортиб, молиявий ресурслар қимматлашмоқда.

Бундай вазиятда, қанчалик оғир бўлмасин, иқтисодий ислохотларни қатъий давом эттирамиз, ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, хусусий секторни янада қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорлик мухитини тобора яхшилаш бўйича ислохотларни жадаллаштирамиз” деб таъкидлаб ўтди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Пандемия, глобал таъминот занжиридаги узилишлар, дунёда геосиёсий вазиятнинг таранглашуви, давлат ўртасидаги низолар сабабли юзага келган

инфляцион босимлар ва иқтисодий мавҳумликлар глобал миқёсда сақланиб қолмоқда. Бу каби ташқи хатарлар ўз навбатида миллий иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиб, инфляция даражасини кутилгандан юқори бўлишига, иқтисодий фаолликка салбий таъсир қилмоқда.

Жаҳон банкининг прогнозларига кўра 2022 йилда жаҳон иқтисодиёти 2,9 фоизга ўсиши кутилаётган бўлса, ривожланган давлатлар иқтисодиёти 2,6 фоизга, ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти эса 3,4 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Жаҳон бозоридаги ноаниқлик ва асосий ташқи савдо ҳамкорларимиздаги мураккаб вазиятга қарамасдан олдинги йилларда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида 2023 йилда иқтисодий ўсиш 5 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда. Ушбу иқтисодий ўсиш суръати саноатни ўртача 6 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасини 14 фоизга, қурилиш соҳасини 6 фоизга, қишлоқ хўжалиги соҳасини 3,5 фоизга ўсиши ҳисобига эришилиши кутилмоқда. Мамлакатимиз экспорт ҳажми 23 миллиард 241 миллион долларга ёки 22,8 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда 2023 йилда консолидациялашган бюджет даромадлари 311 триллион сўм миқдорида, харажатлари эса 343 триллион сўм миқдорида режалаштирилган ҳолда консолидациялашган бюджет 32 триллион 528 миллиард сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиз миқдоридаги тақчиллик белгиланди.[1]

2023 йил бюджет даромадлари шаклланишида бевосита олдинги йиллар давомида амалга оширилган солиқ ислохотлари ўзининг ижобий натижасини берди. Хусусан, 2018 йилдан бошлаб, Президентимиз ташаббуси билан бошланган солиқ ислохотлари, солиқ турларини қисқартирилиши, солиқ ставкалари пасайиши ва солиқ базасини кенгайтириши натижасида бюджетга тушумлар ҳажми ўсишда давом этиб келаётганлигини кўришимиз мумкин.[2]

Айниқса, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларни солиққа тортиш тартиби тубдан такомиллаштирилиши, жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан

олинадиган 8 фоизли суғурта бадали бекор қилиниши ҳамда солиқ ставкаси 22,5 фоизгача бўлган 4 поғонали даромад солиғининг ягона ставкаси 12 фоиз этиб белгиланиши натижасида, жами тушумлар 2 бараварга ошди ва 26 триллион 500 миллиард сўмдан қарийб 52 триллион 500 миллиард сўмгача ўсди. Шу билан биргаликда, 2018 йилдаги даромад солиғи тўловчи ишчилар сони 3 миллион 900 минг кишидан бугунги кунда 5 миллион 300 минг кишидан ортиқни ташкил этмоқда ва бу кейинги йилларда янада ўсиши кутилмоқда.

Умуман олганда сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида бюджет даромадлари тушумлари кескин ошди, 2018 йилда давлат бюджети даромадлари 82 триллион 800 миллиард сўмни ташкил этган бўлса 2022 йилда 205 триллион сўмни ташкил этди. Шу билан биргаликда, бюджет даромадларининг олтин нархларига боғлиқлиги йилдан-йилга камайишига эришилмоқда.

2023 йил бюджети даромадлари асосий макроиктисодий кўрсаткичлари, хом-ашё товарларининг жаҳон бозоридаги кутилаётган нархларига, солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар ҳамда солиқ ва божхона маъмурчилигини такомиллаштиришдан келиб чиқиб режалаштирилган.

2023 йил учун белгиланган солиқ сиёсатида асосий солиқ ставкалари фойда солиғининг базавий ставкаси 15 фоиз, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 12 фоиз, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1,5 фоиз миқдорида сақлаб қолинди.

Шу билан биргаликда, республикада инвестициявий жозибадорликни ошириш мақсадида 2023 йил солиқ сиёсатини белгилашда бир қатор муҳим ўзгартиришлар киритилди.

Биринчидан, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш борасида солиқ ставкаларини пасайтириш ва унификация қилиш ҳамда кўшимча қулайликлар яратиш мақсадида қўшилган қиймат солиғи ставкаси амалдаги 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилди. Бу мамлакатимиз солиқ сиёсатидаги тарихий муҳим ўзгаришдир. Солиқ ставкасининг 3 фоизли бандга пасайтирилиши натижасида

тадбиркорлар ихтиёрида 13 триллион сўм айланма маблағ қолиши режалаштирилган, бу корхоналарда солиқ юкини оптималлашишига олиб келади.[3] Шу билан бирга, 2023 йилда ушбу солиқ бўйича тушумлар 2022 йилга нисбатан 16 триллион сўмга кўп бўлиши прогноз қилинган.[4]

Иккинчидан, маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ва базалари инфляция доирасида ёки 10 фоизга индексация қилиниши назарда тутилган. Бунда акциз солиғи ставкалари индексацияси 2023 йил 1 февралдан амалга ошириш кўзда тутилган.

Учинчидан, солиқ имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилиш ишлари ҳам давом этмоқда. Жумладан, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб бюджет маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган бир қатор хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғидан имтиёзлар бекор қилинмоқда ва бунинг натижасида бюджетга қўшимча 109 миллиард сўм солиқ тушуми кутилмоқда.

Шу билан биргаликда, 2023 йилда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан берилган солиқ ва божхона имтиёзларини[5] муддатлари тугаши ҳам бюджет даромадларида инобатга олинган.

Тўртинчидан, солиқ ҳамда божхона маъмурчилигини такомиллаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 1 фоиз миқдорида ёки 9 триллион 200 миллиард сўм қўшимча режа бюджет даромадларида кўзда тутилган.

2023 йилги Давлат бюджети харажатлари 257 триллион 734 миллиард сўмни ташкил этиб, бу алоҳида соҳалар ривожига мақсадли харажатларни ошириш йўли билан иқтисодий ўсишни рағбатлантиришни таъминлайди. Бунда:

харажатларнинг 50 фоизи ёки 130 триллион сўм ижтимоий соҳага йўналтирилиши белгиланган. Ижтимоий соҳа харажатлари таркибида асосан:

таълим соҳасига 58 триллион 372 миллиард сўм ёки давлат бюджети жами харажатларининг 23 фоизини ҳамда 2022 йилги ижрога нисбатан 16 фоиз кўп маблағ режалаштирилган.

Таълим соҳаси бўйича 18 та Давлат дастурларини амалга ошириш

харажатларига 7 триллион 585 миллиард сўм маблағ режалаштирилган.

Жумладан:

- нодавлат мактабгача таълим муассасаларига Давлат бюджетидан 2 триллион 259 миллиард сўм миқдоридан субсидиялар ажратиш;

- умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш билан боғлиқ харажатлар учун 920 миллиард сўм;

- олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш квоталарини ошириш мақсадида 984 миллиард сўм;

- тўлов-контракт асосида ўқиётган ҳар бир талабага билим олиш учун қулай шароит ва тенг имкониятлар яратиш мақсадида бюджет маблағлари ҳисобидан таълим кредитига ресурс ажратиш учун 1 триллион 700 миллиард сўм;

- талабалар турар жойларини барпо этиш ва унда яшайдиган ҳар бир талаба учун субсидиялар ажратишга 284 миллиард сўм маблағлар режалаштирилган.

соғлиқни сақлаш соҳасига 28 триллион 426 миллиард сўм режалаштирилган. Шундан, ушбу соҳага тегишли 22 та давлат дастурларини амалга ошириш учун 1 триллион 500 миллиард сўм маблағлар режалаштирилган.

Жумладан:

- Оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини таъминлаш учун зарур дори ва тиббиёт воситалари билан қўшимча таъминлаш харажатлари учун 31 миллиард сўм;

- Онкология ёрдамидан такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш билан боғлиқ харажатларга 138 миллиард сўм;

Бундан ташқари, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминотга 33 триллион 67 миллиард сўм маблағлар кўзда тутилган. Жумладан:

- бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги салбий фарқни қоплаш учун 15 триллион сўм;

- кам таъминланган оилаларни ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини молиявий қўллаб қувватлаш мақсадида 18 триллион 67 миллиард сўм маблағлар режалаштирилган.

Бунда, 2023 йилда ўртача бир ойда республикамиздаги жами оилаларнинг 20 фоизига, яъни 1,9 млн оилага ижтимоий нафақа тўлаш учун 10 триллион 530 миллиард сўм режалаштирилган.

Ишловчи аёлларнинг ҳомиладорлик нафақа пулини бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб бериш учун 966 миллиард сўм, шундан хусусий секторда фаолият юритувчи хотин қизлар учун 300 миллиард сўм маблағ режалаштирилган.

Кейинги йил учун бюджет лойиҳасида инфраструктурани ривожлантириш дастурларини молиялаштириш учун жами 30 триллион сўм, Жумладан:

- марказлашган инвестиция дастури учун 15 триллион 520 миллиард сўм;
- ҳудудларни ва тармоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатларига 3 триллион 500 миллиард сўм;

- маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш тадбирлари учун 11 триллион 25 миллиард сўм маблағ режалаштирилган. Шундан Ташаббусли бюджет лойиҳаси учун 6 триллион сўм, шунингдек, маҳаллий бюджетлар қўшимча манбаларининг 30 фоизини ва маҳаллий бюджетларда ички йўллар учун кўзда тутилган маблағларни инобатга олган ҳолда 2023 йилда жами 8 триллион сўм йўналтирилмоқда.[6]

Шу билан бирга бюджет лойиҳасида хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, 6 триллион 569 миллиард сўм кўзда тутилмоқда. Ушбу йўналишда 2022 йилда 4 триллион 308 миллиард сўм маблағ йўналтирилган.

2023 йилда иқтисодиёт харажатлари 36 триллион 680 миллиард сўм ташкил этиб, шундан 10 триллион 600 миллиард сўм қишлоқ ва сув хўжалигига режалаштирилган.[7]

Шулардан келиб чиқиб, келгуси йил учун Давлат бюджети ва мақсадли жамғармалари тақчиллиги 24 триллион 215 миллиард сўм ёки ЯИМга нисбатан 2,3 фоиз миқдорда белгиланди. Бу ўз навбатида мамлакатимизда солиқ юкини маълум маънода камайишига олиб келади ва уни тадбиркорлик субъектлари

фаолиятига таъсири камаяди.[8]

## **ХУЛОСА**

Умуман олганда, 2023 йилги Давлат бюджети ҳалқ манфаатларидан ва мамлакатмиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, “Инсон кадр”ни улуғлаш ва одамлар ҳаётини яхшилашга қаратилгани ҳамда аҳоли турмуш даражасини яхшилашни ўз олдига мақсад қилиб шакллантирилган: Жумладан:

- тадбиркорлар учун қулай бизнес шароитини яратиш;
- ижтимоий соҳани ривожлантириш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш;
- ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб қувватлаш;
- ҳудудлар, айниқса маҳаллаларнинг долзарб муаммоларни ҳал қилиш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш устувор йўналишлар сифатида белгилаб олинган.

Ушбу йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишларни сифатли ва тўлақонли бажариш, ажратилган бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш ва самандорлигини таъминлаш давлат ҳамда фуқароларнинг энг асосий вазифаси бўлиши лозим.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Шарипович Б. А., Шухратович Т. С. (2022). УСТОЙЧИВЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ И ЭФФЕКТИВНАЯ НАЛОГОВАЯ ПОЛИТИКА. НейроКвантология, 20(8), 14.
2. Шухратович, Т. С. (2021). НАЛОГОВАЯ НАГРУЗКА И МАКРОЭКОНОМИЧЕСКАЯ СТАБИЛЬНОСТЬ И ИНВЕСТИЦИОННОЕ ВОЗДЕЙСТВИЕ НА ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR), 7(5), 1-1.
3. Тўраев, Ш. (2022). КОРХОНАЛАРДА СОЛИҚ ЮКИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МАСЛАЛАРИ. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 10(3), 378-385.

4. Turaev, S. S. (2021). METHODOLOGY FOR CALCULATION OF THE TAX LOAD ON LEGAL ENTITIES AND DIRECTIONS OF IMPROVEMENT. Theoretical and applied sciences, (5), 235-238.
5. S. Turaev, “Improving the procedure for calculating the tax burden by digital technologies”, 2021 International Conference on Informatics and Communication Technologies (ICISCT), Tashkent, Uzbekistan, 2021, pp. 1-4, doi: 10.1109/ICISCT52966.2021.9670039.
6. Тураев, С. (2021). АНАЛИЗ НАЛОГОВОЙ НАГРУЗКИ НА МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОМ УРОВНЕ. Международные финансы и бухгалтерский учет, 2021(4), 8.
7. Turaev, S. S. (2021). IMPACT OF THE TAX LOAD ON THE ACTIVITIES OF TAXPAYERS. Theoretical and applied sciences, (5), 208-212.
8. Тураев, Ш. (2022). Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. Научные исследования и инновации в индустрии 4.0., 1(1), 55-62.